



ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ОЧИЛДИ

Осойишталик посбонлари ҳуқуқ-тартиботни, ИНСОННИ ҳимоя қилишдек ягона мақсад билан жиноятчиларнинг ёвуз ишларига қарши кўксини қалқон қилиб келдилар ва келмоқдалар. Бунда уларнинг баъзилари шикастландилар, айримлари эса азиз жонларини қурбон қилдилар. Хизмат вазифасини ўташ жараёнида ҳалок бўлган ва бир умр ногиронликка учраганлар оилалари ёрдамга, меҳрга муҳтож.

ЎзССЖ ИИВ хайрия жамғармаси корхоналар, ташкилотлар, муассасаларни ва оддий фуқароларни бундай оилаларга пул ўтказиш йўли билан ёрдам беришга чақиради. ССЖИ Давлат банкнинг Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон жумҳурияти банки кирим-чиқим (операция) бошқармасида 000140566 сонли жорий ҳисоб очилган. Банкининг код рақами: 729002.

Тошкент вилояти Коммунистик тумани ИИБ ходимлари жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: туман ИИБ ходимлари яна бир қонунбузарнинг фаолиятига чек қўйдилар.

Сурат муаллифи Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ.

ЎзССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИДА

25 апрель куни Қарши шаҳрида ЎзССЖ ИИВ ҳайъатининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Совет жумҳурияти ИИВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ижроқўмлари ИИВ раҳбарларининг ахлоқ тузатиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари фаолиятига раҳбарлик қилишдаги роли муҳокама этилди.

Ҳайъатда шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон Компартияси МҚ Бюросининг 1991 йил 23 январь кунги қарорини бажариш, кадрлар таркибини сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш юзасидан қилинган ишлар натижа-сида ахлоқ тузатиш муассасалари (АТМ)да шу йилнинг биринчи чорагида оператив-хизмат фаолияти кўрсаткичларини бирмунча яхшилашга муваффақ бўлинди.

Мамлакат иқтисодиётидаги, айниқса, моддий-техника таъминотидаги вужудга келатган аҳволни ҳисобга олиб, АТМ корхоналари диққати жумҳуриятдаги бошқа корхо-

налар ва ташкилотлар билан янги ширкатчилик алоқаларини ўрнатиш ҳамда мавжудларини кенгайтириш эвазига қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини қидириб топишга, маҳаллий хом ашё, чиқитлар ва бошқалардан фойдаланган ҳолда халқ истеъмол моллари ҳамда бадний ҳунармандчилик буюмлари тайёрлашни ташкил этишга, йирик капитал маблағлар талаб этмайдиган ҳамкорлик ишларини кенгайтиришга қаратилди. Шу мақсадларда жумҳуриятдаги 50 дан зиёд корхона ва ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилди, янги 28 та маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Бироқ, умуман олганда, АТМ тергов ҳибсхонасидаги оператив-хизмат ва ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини барқарорлаштириш юзасидан кўрилатган чоралар кўнгилдаги натижаларни бермаётир.

АТМ ва тергов ҳибсхоналарида ҳуқуқбузарликнинг

олдини олиш борасида етарлича иш қилинмаётгани, мавжуд бино ва иморатларни тергов ҳибсхонаси талабига жавоб бермаслиги, оддий коммунал-маиший шароит мавжуд эмаслиги маҳрумлар ва айбланувчиларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Натижада гуруҳ бўлиб норозилик билдирилмоқда, улар орасида жиноят содир бўлмоқда, хизмат кўрсатаётган ходимларни гаровга олиш ҳоллари юз бермоқда. Бу муаммоларнинг кескинлигини Тошкент шаҳридаги 1-тергов ҳибсхонасида содир бўлган воқеалар яққол кўрсатди.

АТМ корхоналарида ишлаб чиқариш соҳасида ҳам узилишлар кам эмас. Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга етарлича эътибор берилмаётир.

Ҳайъат вужудга келган вазиятга аниқ баҳо бериб, АТМнинг оператив-хизмат ва ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгилади.

ЧЕТДА ҚОЛГАН ЎГИРЛИК

ЕКИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИИБ ВХСС БОШҚАРМАСИДА ХАВАР МУАЛЛИ ФИНИ ТЕКШИРИШГАНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССЖ ИИВ ҳайъатининг нашри бўлмиш «Постда» рўзномасига фуқаролардан кўплаб мактублар келади. Улар ўз хатларида ходимларимиз фаолиятига баҳо бериш билан бирга айрим ташкилот ва корхоналарда юз бераётган қонунбузарликлар ҳақида сўз юртадилар. Улар бўйича тегишли чоралар кўрилиб, оқибатда кўплаб жиноятларнинг олди олинмоқда. Миллицияга ёрдам бериш мақсадида фуқароларнинг жамиятимизни юлғич, ўғри ва муттаҳамлардан поклаш ишига улуш қўшаётганлиги бизни қувонтиради.

Яқинда ҳам ана шундай ўғирликни фош этувчи мактуб олиб беҳад қувондик. Аммо у узоққа чўзилмади. Тошкент шаҳар ИИБ ВХСС бошқармаси бошлиғи Ш. Каримовга тушунарли бўлсин, деб она тилида йўллаган мактубимизга рус тилида битилган жавоб хатини олиб ҳайрон бўлдик. Чунки бир ой олдин чора кўриш учун юборган хатимизга... Келинг, яхшиси унинг суратли нусхаси билан таништирайлик.

УзССР ИИМ
ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ
ИЖРОЯ КОМИТЕТИНИНГ
ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

МВД УзССР
УПРАВЛЕНИЕ ВНУТРЕННИХ
ДЕЛ ИСПОЛКОМА
ТАШГОРСОВЕТА

УПРАВЛЕНИЕ ВХСС

700015, ул. Жуковского, 87

11 апреля 91г. 275 -538

№ № 36/31 от 14.03.91г.

Редакция газеты "На посту"

Сообщаем, что Управлением ВХСС УВД Ташгорисполкома проведено следствие, поступившее от г-на

Ввиду того, что фамилия и адрес заявителя является вымышленными, на основании Указа Президиума Верховного Совета СССР от 2 февраля 1988 г. ("О порядке рассмотрения предложений, заявлений и жалоб граждан") данное заявление является анонимным и рассмотрению не подлежит.

Приложение: на одном листе.

Зач. Начальник Управления

Ш.К. КАРИМОВ

Ваҳолангки, биз хат муаллифининг шахсини аниқлашни эмас, унда кўрсатилган ўғирликнинг пайини қирқиниши сўраган эдик. Боз устига давлат тилида битилган номамизга, бепсандлик қилибми, рус тилида жавоб беришгани ҳам одоб доирасига кирармикан? Вуниси ҳам майли. Бу иш учун бир ой вақт сарфлаганини кўриб, уларнинг оперативлигига тасаннолар айтдик. Бу орада эса муаллиф кўрсатган даргоҳда яна бир ўғирлик юз бергани ҳақида янги маълумот олдик. Хат муаллифи олдида жуда хижолатдамиз.

НАВОЙИ—ШОИР, МУТАФАККИР, ДАВЛАТ АРБОБИ

ҚОБУЛ. (ТАСС муҳбири Игорь Шишков). Маданиятнинг беқиёс гуллаб-яшнаши теурийлар даврининг ўзига хос белгиси бўлди. Бу давр Афронистон тарихида ижтимоий турмушнинг турли соҳаларидаги жуда катта ютуқларга бой бўлди. Шоир, мутафаккир, давлат арбоби мир Алишер Навоий ўша даврнинг энг атоқли вақилдир.

Навоий 1441 йилда Ҳирот шаҳрида таваллуд топди. Султон Хусайн Бойқаронинг вазيري бўлди. Олимларга,

санъат вақилларига ҳомийлик қилди. Ўз асарларини форс ва туркий тилларида ёзди. Унинг асарлари, деб ёзади «Қобул таймс» рўзномаси, лирик оҳанги ва инсонпарварлик ғояларига асосланганлиги билан ажралиб туради. 1498-99 йилларда шоир барча лирик шеърларини тўртта тўпламга йиғиб, девон ҳолига келтирди. Жаҳонга машҳур «Ҳамса»ни эса ҳеч инқиланмасдан Алишер Навоий ижодининг чуққиси дейиш мумкин. Бу асар «Лайли ва Мажнун», «Ҳай-

ратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъан сайёр» ва «Садди Искандарий» дostonларидан ташкил топган.

Навоий ташаббуси билан 370 та мачит, диний мактаблар ҳамда қироатхонлик марказлари ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари у боғлар, ҳовузлар, карвонсаройлар ҳам қурдирган. Навоий даврида санъат, фанлар ва диний таълимот кенг ривожланди. Навоий яшаб ва ижод қилган даври «Шарқ ренессанси» аташлари бежиз эмас, деб ёзади «Қобул таймс».

МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА ТАНГЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА — ҚЎШМА БАЁНОТ

Жамиятимиздаги танглик тобора кучайиб бормоқда. Жамиятни ижтимоий ва миллатлараро можаролар ларзага солмоқда. Ишлаб чиқариш таназули кучайиб бормоқда. Турмуш даражаси пасаймоқда, одамларни энг зарур маҳсулотлар билан таъминлаш хавф остида қолмоқда. Мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва интизом жиддий равишда бузилди. Ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган ўткир муаммолар, ўтиш даврининг жуда оғир қийинчиликлари, қайта қуриш давомида йўл қўйилган хатолар бир-бирига чатишиб кетди.

СССР Президенти ҳамда иттифоқдош республикалар — РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон давлат олий идораларининг раҳбарлари 1991 йил 23 апрелдаги учрашувларида мамлакатдаги аҳволни муҳокама қилиб, ўзаро келишилган чора-тадбирларни сира пайсалга солмай амалга ошириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Биринчиси. Учрашув қатнашчилари ҳамма жойда конституцийий тартибни тиклашга, янги Иттифоқ шартномаси ва Иттифоқ Конституцияси қабул қилингунга қадар амалдаги қонуларга сўзсиз риоя қилишга доир қатъий чоралар кўриш мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришнинг сўзсиз шарти деб ҳисоблайдилар. Иттифоқ ва республика ҳокимият органлари, маҳаллий Советлар ва ижроия комитетлари, барча ташкилотлар ва корхоналардаги мансабдор шахслар, фуқаролар ўз фаолиятида ана шунга асосланишлари керак.

Иккинчиси. Ўтказилган Бутуниттифоқ референдуми якунларини ҳисобга олиб мустақил давлатларнинг янги шартномасини тузиш тангликни бартараф этиш учун биринчи навбатдаги вазифадир. Шу муносабат билан учрашув қатнашчилари қуйи-

дагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

— келишилган янги Иттифоқ шартномасини мазкур жумҳуриятларнинг делегатлари имзолаши мумкин бўлиши учун бу ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ишини яқин вақт ичида тугаллаш;

— шартнома имзолангандан кейин олти ойдан кечиктирмай Иттифоқнинг янги Конституцияси тайёрланиши ва у СССР халқ депутатларининг съезида қабул қилиниши, мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг қоидалари СССРнинг янги Конституциясига асос қилиб олиниши керак;

— янги Конституция қабул қилингандан сўнг шартномада ва Конституцияда кўзда тутилган Иттифоқ ҳокимияти идораларига сайлов ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш;

— бутун ўтиш даври давомида Иттифоқ ва жумҳуриятлар ҳокимият органларининг, барча босқичдаги халқ депутатлари Советларининг меъёрий фаолияти таъминланиши лозим;

— иттифоқдош жумҳуриятларнинг учрашувда қатнашган олий раҳбарлари Латвия, Литва, Эстония, Молдова, Грузия ва Арманистоннинг Иттифоқ шартномасига қўшилиш тўғрисидаги масалани мустақил ҳал этиш ҳуқуқини тан оладилар ва айна пайтда Иттифоқ шартномасини имзолаган жумҳуриятлар учун улар барпо этадиган ягона иқтисодий макон доирасида энг кўп қулайлик режими ўрнатилишини зарур деб ҳисоблайдилар;

— миллий белгиларига қараб камситишга, миллатлараро можароларни келтириб чиқаришга, СССР фуқаролари қаерда яшамасинлар, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳуқуқни муҳофазат қилиш идоралари бундай ҳодисалар йўлига қатъий тўсиқ қўйишлари лозим.

Учинчиси. Иттифоқ идоралари ва жумҳуриятларнинг

1991 йилги иқтисодий битимда мустаҳкамлаб қўйилган мажбуриятларини ва уларнинг биринчи навбатда бюджетлар ва бюджет фондларини шакллантиришга доир қисмлари сўзсиз бажарилиши зарурлигини тасдиқлаш. Бунда кескинлашган ижтимоий-иқтисодий вазият ҳисобга олиниб, тангликка қарши чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Корхоналар, минтақалар ва жумҳуриятлар ўртасидаги ҳўжалик алоқалари янада кучайтирилиши ва ривожлантирилиши таъминланиши лозим, бунинг учун СССР Вазирлар Маҳкамаси ва иттифоқдош республикалар ҳукуматларининг масъулияти оширилиши керак.

Учрашув қатнашчилари мамлакат халқ ҳўжалигидаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида саноатнинг базавий тармоқларида, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарда, темир йўл транспортида ишнинг алоҳида режимини жорий этишни ёқлаб фикр билдирдилар.

Зарур бўлган тақдирда жумҳуриятларнинг ҳокимият органлари халқ ҳўжалигининг меъёридаги ишнинг таъминлайдиган қўшимча чораларни кўрадилар.

Учрашув қатнашчилари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни биринчи навбатдаги вазифа деб ҳисоблайдилар. Марказий ва жумҳурият идоралари қишлоқ ҳўжалигига, деҳқончилик-саноат комплекси корхоналарига моддий ресурсларни етказиб бериш режаларини бажариш юзасидан мувофиқлаштирилган тадбирларни амалга оширадилар. СССР Вазирлар Маҳкамаси билан иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари йилнинг иккинчи чораги давомида қишлоқ ҳўжалиги ва деҳқончилик-саноат комплекси корхоналарининг халқ ҳўжалиги бошқа тармоқлари билан

тенг муносабатларини сақлаб туришга доир қарорларни ишлаб чиқиб, қабул қилишлари керак.

Тўртинчиси. Учрашув қатнашчилари чакана нархларни ислоҳ қилиш чоғида аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир қиладиган барча омиллар ҳисобга олинмаганлигини назарда тутиб, фуқароларни, аynиқса қашшоқ фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб бир қанча қўшимча чоралар кўришни зарур деб ҳисоблайдилар. Жумладан:

— кундалиқ эҳтиёж молларини сотишга 5 фозлик солиқни бекор қилиш. СССР Вазирлар Маҳкамаси ва республикаларнинг ҳукуматлари бир ҳафта муддатда ана шундай молларнинг рўйхатини аниқлашлари керак;

— СССР Вазирлар Маҳкамаси ва республикаларнинг ҳукуматлари нарх-наво билан боғлиқ ҳақиқий вазиятни икки ҳафта давомида кўриб чиқиб энг кўп ижтимоий кескинликка сабаб бўлаётган масалалар юзасидан келишилган қарорлар қабул қилишлари керак;

— талабалар ошхоналари ва мактаб буфетларида нарх қимматлашганлиги учун компенсация тўлаш чораларини кўриш, шунингдек темир йўл ва авиация транспорти янги тарифларини қайта кўриб чиқиб, уларни камайтириш;

— бир ой давомида даромадларни индекслаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Иттифоқ ва республикаларнинг раҳбарлари юқоридаги ўзаро келишилган қарорларни ҳисобга олиб, шахтёрларга ва барча меҳнаткашларга мурожаат қи-

либ, уларни иқтисодий ва сиёсий сабаблар билан иш ташлашни тўхтатишга, бой берилган ишларни яқин вақт ичида бажариш учун куч-гайрат сарфлашга чақирдилар.

Бешинчиси. Иттифоқ ва республикаларнинг раҳбарлари мамлакатдаги гоят ўткир танг вазиятни эътиборга олиб, фуқароларнинг итотсизлигига, иш ташлашларга даъват этиш, давлат ҳокимиятининг қонуний йўл билан сайланган мавжуд идораларини ағдариб ташлашга чақириб йўли билан сиёсий мақсадларга эришишга уришларга тоқат қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар.

Улар демократияни ривожлантириш, ҳокимиятнинг ваколатли органлари фаолияти, ошкоралик туфайли вужудга келаётган имкониятлардан фойдаланиб, барча ижтимоий ва сиёсий кучларнинг қонун доирасида ҳамкорлик ва алоқа қилишларини ёқладилар.

Бунда ҳозирги масъулиятли даврда халқнинг манфаатлари, мамлакатни тангликдан чиқариб олишга доир амалий иш, жамиятдаги демократик ўзгартишларни давом эттириш, аҳолига ижтимоий мадад кўрсатиш чораларини амалга ошириш билан бир вақтда иқтисодий ислохотни янада кенгайтириш ҳамма ишдан устун қилиб қўйилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари иттифоқдош республикаларнинг роли тубдан оширилмаса вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир бу чора-тадбирларнинг ҳаммаси беҳуда эканлигини яхши аниқлайдилар.

СССР Президенти М. ГОРБАЧЕВ, РСФСР Олий Кенгашининг Раиси В. ЕЛЬЦИН, УССР Бош вазири В. ФОКИН, БССР Вазирлар Кенгашининг Раиси В. КЕВИЧ, Ўзбекистон Президенти И. КАРИМОВ, Қозоғистон Президенти Н. НАЗАРБЕКОВ, Озарбайжон Президенти А. МУТАЛИБОВ, Қирғизистон Президенти А. АКАЕВ, Тожикистон Президенти Қ. МАҲКАМОВ, Туркменистон Президенти С. НИЕЗОВ.

ҲОДИСА

6-ПАЛАТАДАГИ ҚОТИЛЛИК

Касалхонада икки киши ҳалок бўлди. Улар хасталикдан эмас, балки жиноятчилар қўлида оламдан ўтишди. Шу сабабли бу воқеани шифокор эмас, балки Бухородаги Тўқимачилар районининг прокурори, биринчи класс ҳуқуқшунос А. Тошев шарҳлайди:

— Ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари тўрт марта судланган С. Бухоро вилояти сил хасталиклари касалхонасининг суяк сили бўлимида, 6-палатада даволанарди. У кечки пайт маст ҳолда қирқма кўшотар милтиқдан уни кўргани келган икки кишини отиб қўйди. Уларнинг бири шу ернинг ўзида вафот этди, иккинчиси эса вилоят касалхонасининг жарроҳлик бўлимида оламдан ўтди.

Бу воқеани тасаввур этиш қийин, лекин на илож: ҳодиса содир бўлган кунни жабрлан-

ганлар ҳам, гуноҳкор ҳам бўлимида арақ ичиб, касалхонада бемалол юришарди. Бу касалхонада оддий кун тартиби қоидаларига тўла риоя этилмаётганидангина эмас, аynи вақтда бу ерда даволанаётган ёки ишлаётган кишиларнинг ҳаммаси ўлим хавфи остида қолганлигини билдиради. Уларнинг ҳар бири қуролланган арақхўрнинг қурбони бўлиши мумкин эди.

Терговда ҳалок бўлганларнинг бири илгари икки марта судланганлиги ҳам аниқланди. Лекин воқеанинг баъзи тафсилотлари ҳалигача аниқлангани йўқ: палатадаги беморнинг қўлига қирқма милтиқ қандай қилиб тушиб қолган? Қонли воқеаларга нима сабаб бўлган? Ана шу ва бошқа саволларга тергов жавоб топиши керак.

И. САҒАРОВ,
ЎзТАГ муҳбири.



Оила ўчоғининг таянчи ҳисобланган Аёлнинг бардошидан ҳайратга тушмай иложнинг йўқ. Хизматдаги юмушдан бўшаса, рўзгор ташвиши тин олдиригани қўймайди.

Эгннга милиция либоси кийган аёллар елкасига эса бу юк икки қарра кўпроқ тушади.

СУРАТДА: Тошкент тумани ИИБ эксперт-криминалисти Нина Константинова далилий ашёни кўздан кечирмоқда. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Бурҳон Илашбоев Фурқат номли ўрта мактабда буфетчи бўлиб олди-ю, унинг турмуш ўртоғи Жумагул кундакунора озиқ-овқат дўконига қатнашдан қутилди. Ун керакми, гуруч, сариёғ дейсизми, буфетдан ташилаверди. Хуллас, мактаб ўқувчилари қоринини тўйғазадиган жойдаги тансиқ таомлар бу хонадон учун «деҳқончилик» бўлиб қолди. Қолаверса, кун-

далик савдодан тушаётган пуллар фақатгина Оққўрғон тумани умумий овқатланиш идораси кассасига эмас, ўпқонли жиғилдон эгаси бўлиб қолган буфетчи кассасига ҳам жойланаверди.

Лекин ҳисобли дунё, деб бежиз айтишмаган. «Мойли жой»даги молиявий аҳволни ўрганадиган кун ҳам етиб келди. Натيجида В. Илашбоев давлатнинг 1 минг 455

сўм 34 тийин маблағини «туз» қилганлиги маълум бўлди.

Халқ суди бу ишни кўриб чиқиб, уни ЎзССЖ жиноят мажмуасининг 117-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топди ҳамда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм этди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

ФОЖИАЛИ ТУГАГАН УМР

Саксон олтинчи баҳорни қарши олган Газильнисия Кудракаева ўз ҳаёти жиноятчилар қўлида барҳам топишни ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Нима у қиморбоз ёки миллионермикди, жонига қасд қилувчилар бўлса. Бор-йўғини жамлаб пулга чақиб кўрганда, ўша миллионнинг мингдан бирига ҳам қўйишмайди. Лекин разил одамларнинг бу билан сариқ чақалик иши йўқ экан. Текинини қўлга киритиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кимсалар Газильнисия холанинг умрига зомин бўлишди.

И. Кудракаев ёлғиз яшовчи сингисидан хабар олгани шаҳарнинг нариги бурчагидан Сирғали туманига тез-тез келиб турарди. У ҳар сафаргидек бугун ҳам ҳол-аҳвол сўрагани бу ерга келганди. Эшик очик экан. Хонага тўғри кириб бораверди. Кутилмаганда мўйсафид сесканиб тушди. Унинг хиралашиб қолган кўзлари полда чўзилиб ётган жигаргўшасига тушганди. Шоша-пиша унга ёрдам беришга ошиқди. Афсуски, сингиси икки кундан буён шу ерда жонсиз ётганлигидан ха-

бари йўқ эди. Унинг аъзойи баданидан оққан қонлар ҳам аллақачон қотиб қолганди...

Милиция ходимлари Г. Кудракаева хонадониде жиноят содир этилганини аниқладилар. Чунки жасаднинг боши ўткир тиг зарбидан илма-тешик бўлиб кетганди. Уйдан эса 300 сўм атрофиде пул (ўлимлигига атаб қўйган бўлса керак), бир жуфт зирак ва кийим-кечаклар олиб кетилганлиги мархуманинг акаси ёрдамида аниқланди. Жиноятчилар ўзидан ҳеч қандай из қолдирмагандилар.

Нима учун арзимеган нарсалар, деб мункайиб қолган кампирни ўлдириш шарт бўлди экан? Ахир, у босқинчиларга қаршилик кўрсата олмаслиги аниқ-ку!

Олиб борилган суриштирувлар натижасида ўша машъум воқеа содир бўлишдан бир неча кун аввал уйга номаълум кишилар келиб, бузилган жўмрақни янгиллаб берганликлари аниқланди. Демак, турар-жойдан фойдаланиш идорасининг ишчилари бу ерга ташриф қилишган. На илож, хизматчилик тақозоси юзасидан уларни текшириб кўриш керак.

Бироқ яқин вақт ичиде Г. Кудракаевнинг уста сўраб бирорта ҳам ташкилотга мурожаат қилмаганлиги қидирув ишларини янада чигаллаштириб юборди. Унда ким бўлиши мумкин ўша номаълум дастёрлар?

Ниҳоят бу саволга катта оператив вакил, милиция капитани Амир Омонов бешинчи кун деганда жавоб топа олди ва беш кишининг шахсини аниқлади. Улардан бири муқаддам қотиллиги учун судланган экан.

Аммо барибир бу ишда шошма-шошарлик кетмайди. Чиндан ҳам улар савобли иш қилган, ҳақиқий қотил эса бошқа одам бўлиб чиқса, бу яхши оқибатга олиб келмайди. Лекин вақт ҳам зиқ. Беҳуда кетган ҳар бир дақиқа жиноятчи фойдасига хизмат қилади.

Хуллас, иш ўша муқаддам судланган Т. исмли йигитни сўроқ қилишдан бошланди. Бўлаётган савол-жавобларни эса мисоли шахмат ўйинига таққослаш мумкин эди. Фақат донда суриш узоққа чўзилмади. Сабаби Т. «мот» бўлиб қолди ва ҳақиқатдан ҳам қа-

рияга «халис хизмат» қилганлигини тан олди.

Уша кун Г. Кудракаева хизмат ҳақи учун ҳаваскор соловчиларга юз сўм пул бераётганда, бу очофат қолган пулларни ҳам кўз остига олиб қўйган экан. Орадан бир неча кун ўтгач, дўсти «Сидой» билан келишиб муродини ҳосил қилишибди. Лекин «Сидой» ким эканлигини айтмади. Фақатгина у билан баъзи пайтларда тасодифан кўчада учрашиб қолишини, ҳатто исм-шарифини ҳам билмаслигини худди бузуқ пластинка сингари қайтараверар эди. Асосий айбни эса ўша танишига ағдарди. Хуллас сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Лекин қисқа соатлар ичиде Тошкент-шаҳарнинг Қорақамиш даҳасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, жамиятнинг текинхўр фуқароси Г. ни олиб келиб, унга юзлаштирдилар. Г. ҳам илгари одам ўлдириб, 15 йил ўтириб чиққан экан. Бу икки кимсанинг уйлари тинтиб кўрилганда, Г. Кудракаевага тегишли бўлган буюмларга топилди.

Шундай қилиб беш кун давом этган изланишлар натижасида яна икки нафар хавфли жиноятчилар зарарсизлантирилди.

Исмоил МИНАВВАРОВ.

РАҲМАТ СИЗГА, ЛЕЙТЕНАНТ

Шу йил 7 март кун Шайхрисабз шаҳрининг «Ленинизм» кўчасидаги 67-уйда — Ёқуб Саидбилалов хонадониде дилхиралик бўлди. Ойла аъзоларини гафлатда қолдириб, уйга кирган ўғри давлат нарҳида 970 сўм турадиган қўл соати ва 620 сўмлик узукни ўғирлаб кетди.

— 1590 сўмга куйдик, укажон, — деди байрам кайфияти ҳам чилпарчин бўлган Ё. Саидбилалов. — Илтимо, бизга ёрдам беринг.

Участка вакили, милиция лейтенанти Музроб Турсунов жабрдийда хонадонини — воқеа жойини синчиқлаб кўздан кечирди. Улардан бирор кишидан гумонлари борми-йўқми суриштирди. Кейин ўзинча фикр юритди. Бу ишни бошқа жойдан келган ўғри қилолмайди. У қаерда нима бор, нима йўқ, обдон ўрганган бўлиши керак. Демак уни шу яқин-ўртадан қидириш лозим.

М. Турсунов аввало шу кўчада истиқомат қилувчи, хурмачага сиғмайдиган қилиқлари билан «огизга тушган шахсларни ўргана бошлади.

Ниҳоят 12 март кун шу кўчадаги 65-уйда яшовчи, муқаддам беш марта судланган, хавфли жиноятчи сифатида назоратда юрган Фарход Абдуллинни ҳибсга олди. Далил-исботлар қаршисида ҳар қандай муромбирлик бефойда эканлигини сезган Ф. Абдуллин ўғирланган буюмларни А. Ханжов номли кўчада яшовчи Неъмат Раҳматовга 2000 сўмга пуллаганини тан олди.

Қўл соати ва узукдан бутунлай умидини узиб қўйган Ёқуб Саидбилалов лейтенант қайтариб берган нарсаларни кўриб, кўзларига ишонмас, ўз миннатдорчилигини қай йўсинида изҳор этишга ожиз эди.

Тошпўлат МУЗАФФАРОВ, Шайхрисабз шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.

«ЧАШМА»ГА ЧАНҚОҚЛАР


Оққўрғон туманидаги Алимкент қишлоқ матлубот жамияти раҳбарлари дунёни сува босса, тўпнига чиқмайдиганлар хилдан экан. 9-озик-овқат дўкони омборхонасини кенгайтириш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Аксинча, шу дўкон мудирини Сами Раҳмоновнинг уйдан фойдаланиши афзал биллишди.

Алимкент пахта тозалаш эҳди ишчиси Файл Камолардинов бундан хабардор экан. Кунларнинг бирида мудирнинг уйига тушди. Омбор вазифасини ўтовчи хужра эшигидан қулфни қўриб, 27 шиша «Чашма» виносини ўғирлади. Кейин улфатлари Ноил ва Равиллар билан бирга ичиб юборишди.

Бу иш фовш этилгач, халқ суди Ф. Камолардиновни ЖМнинг 114-моддаси 3-қисмига асосан уч йилга озодликдан маҳрум этди.

Айтинг-айтинг, энди бундан оғзи куйган савдо ходимлари тўғри хулоса чиқаришсинда...

Х. МАҲКАМОВ.



Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, йўлдаги фалокатларнинг олдини олишда ҳаракатни оқилона ва пухта уюштириш ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу маънода ёзининг жазирама иссиғи-ю, чилланнинг чийиллаган совуғига қарамасдан йўл митизомига риоз қилинишини назорат этиб борадиган ДАН ходимлари меҳнати эътиборга лойиқ.

Наманган шаҳар ички ишлар бўлими ДАНБ йўл-патруль хизмати ходимлари ҳам манзилим яқин бўлади, деб машинада йўлга чиққан инсон бахтсиз ҳодисаларга дучор бўлмаслиги учун ҳаракат қондаларига риоз этилишини қаттиқ назорат қилиб бормоқдалар.

Ҳамкасблари ўртасида хурмат қозонган милиция старшинаси Эркин Раҳимов йўлдаги талабчанлиги билан ажралиб туради. Бундан кўзда тутган ягона мақсади — ҳайдовчининг йўли бехатар бўлсин.

Унинг шериги милиция старшинаси Олимжон Собиров ҳам етти йилдан бери ўз касбининг ардоқлаб келмоқда.

СУРАТЛАРДА: милиция старшиналари Э. Раҳимов (юқориде) ва О. Собировлар иш устида.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

БУ ПУЛНИНГ ЭГАСИ КИМ?

ҳодимларида шубҳа уйғотди. Зудлик билан тижорат дўкониде ревизия ўтказилди. Маълум бўлишича, Н. Мамараҳимов 92 минг 822 сўм топшириши керак экан. Хўш, банкка топширилган 121 минг 427 сўм 50 тийин қаёқдан келди? Бу пуялар кимники? Энди ана шу саволларга жавоб топиш лозим эди.

Қилни қирқ ёришга одатланган дўкон мудирини дўпни тор келиб қолганини кўриб, билдирмай қочиб кетди. Худди сувга тош тушгандек. Қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди.

— Шундан кейин ишимиз янада оғирлашди, — деб ҳикоя қилади Ленинград тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори Солихўжа Бузуков. — Энди қўл ошга етганда, бурун қонагандай бўлди. Лекин атрофиндаги дўстларнинг масъулиятни чуқур ҳис этишса, иш барибир энгил кўчаркан.

Бўлимимиздаги ҳар бир ҳодим шу ишга ўз ҳиссасини қўшди, десам бўлади. Яна калаванинг учи топилди.

Дўкон мудирини ҳамтовоқларидан бири қўлга олинди-ю, жиноятни тезроқ очинишга аҳд қилган йигитлар юрагиде умид учқунлари пайдо бўлди. Талон-тарож қилинган молларнинг катта қисми Фрунзе туманида, кимнингидир уйиде сақланаётгани аниқланди.

Темирни қизғида бос, деган гап бор. Бу сафар ҳам доғда қолмаслик учун зудлик билан оператив гуруҳ тузилди. Бу гуруҳга бош терговчи Ҳошимжон Рустамов, ДАН бўлинимаси бошлиғи Абдураҳмон Хўжаев ва ЖКВ ходими Баҳодир Каримовлар киритилди. Тунги операцияга раҳбарлик қилишни ИИБ бошлиғи С. Бузуков ўз зиммасига олди.

— Шундай қилиб, ярим

кечада Фрунзе туманига қараб йўл олдиқ, — дейди милиция капитани Х. Рустамов. — Лекин бу сафаримиз жуда ҳаяжонли кечди. Нега деганда тўртта энгил машинада кўзлари бежо йигитлар бизни то Капасарой қишлоғигача кузатиб боришди. Биз атиги тўрт кишимиз. Улар эса...

— Ҳа, чиндан ҳам уларнинг мақсади қора эди, — дейди милиция капитани А. Хўжаев ҳамкасбининг сўзини қувватлаб. — Яхши ҳамки уларнинг ҳамтовоғи биз билан эди.

— Биз ўз бурчимизни бажараётгандик, — дейди С. Бузуков уйчан қиёфада. — Чекиниш — таслим бўлишдан ўзга нарса эмас. Ҳаракатни давом эттирайлик десам, ҳаётимиз хавф остиде эди. Шунда уларга қараб, агар йигитларимиздан бирортасига тан жароҳати етгудек бўлса, қўрол ишлатишимизни ва ҳатто

бизда гаровда турган ҳамтовоғини отиб ташлашимизни айтиб пўписа қилдим. Шу боис улар бирор ёмонлик қилишга журъат этишолмади.

Шундай қилиб оператив гуруҳ Капасарой қишлоғиде истиқомат қилувчи Қўқонбой Утанов хонадонига кириб борди. Халис кишилар гувоҳлиғиде 100 минг сўмликдан ортиқ миқдорда чет элда тайёрланган сочиқ ва турли хил газламалар қайтариб олинди. Худди шунингдек, 9414 сўмлик хорижий мебель буюмлари Қўқон шаҳар Сарботир кўчасидаги Б. Икромов хонадонидан топилди. Бу ҳам гоёт усталик билан яшириб қўйилган экан.

Яна шуни айтиш керакки, «юлдузни бенарвон уришга» чоғланган Н. Мамараҳимов ҳам қўлга олинди. Шу кунларда тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Энг муҳими давлатнинг 121 минг 427 сўм 50 тийин пули текинтомоқлар жигилдонидан қайтариб олинди.

Раҳмон АЛИ.

ССЖИ Президентининг шу йил январь ойидаги Фармонини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Муомаладаги 50 ва 100 сўмлик 1961 йилги пулларни алмаштириш ҳақидаги бу Фармон дастлаб ҳаммани таҳликага солиб қўйди. Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади. Оммавий ахборот воситалари орқали бу тадбирни амалга ошириш йўллари атрофлича халққа тушунтирилди.

Аммо биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа бу тўғрида эмас. Очигини айтганда эҳкига жон қайғу, қассобга ёғ қайғу, деган мақол бежиз айтилмаган экан. Юқоридеги хабардан Ленинград тумани маркази — Учкўприк қишлоғиде жойлашган тижорат дўкони мудирини Наримон Мамараҳимов шошиб қолди. Ўйлай-ўйлай пайти келганда мўмай даромад ишлаб қолмоқчи бўлди. 22, 23, 24 январь кунлари давлат банкига 204 минг 250 сўм олиб бориб топширди. Шунча миқдордаги 50 ва 100 сўмлик пуллар мазкур тадбирни осойишта ўтишини назорат қилиб турган ИИБ

Шанба учрашувлари

Тун. Томоғим қақраб уйғониб кетдим. Ташналигимни қондириш учун ошхонага чиқаман. Чироқни ёқмайман. Деразадан зулмат мўралайди. Қандайдир мен отини билмайдиган қуш хунук ва ваҳимали қичқиради. Сукунатда бу овоз бирам даҳшатли эшитиладики... Мен турган жойимда қотиб қоламан.

Е тавба, шаҳарнинг ўртасида шундай овози оғир ва ёқимсиз қуш бўлса-я! Унинг қичқирғи одамзот яшайдиган, ташландиқ, хароба-зорларга мос-ку. Еки адашиб келиб қолганмикан-а?

Уйқусираганимдан шундай эшитилгандир. Бироқ зум ўтмай фикримни нотўғрилигини исботламоқчидай у яна қичқиради. Бу овоз зимистонда гўёки ажалнинг қадамларидан дарак бераётгандек туюлади менга. Торлик, қорон-

ВАҲИМА

гулик, ёлғизлик, яна аллабало ҳислар қамрай бошлайди. Ваҳимадан нима учун бу бўшлиқда турганимни ўйлашга ҳам қурбим етмайди. Уйғонишим, чироқни ёқмаганиму, қушнинг беҳушов товуши, бостириб келаётган ваҳима — бари бирлашиб галати маҳлуққа айланишади. Мен томон тобора яқинлашади. Идрокимни йўқотаётгандайман. Бамисоли вужудимдаги энг яхши нарсалар мени тэрк этгандай, ҳатто қоним танамда югурмаётир. Юрай десам, оёқларим михланган, бошимни буриб, таниш буюмларни қидирай десам, калламга оғир юк босилган. Маҳлуқ эса борган сари яқинлашади. Мана ҳозир ҳаёт асари сезилмаётган танамга у даҳшатли қўлларини узатади. Шу чоқ юрагим қаергадир тушиб кетади.

— Ойижон... О-йи-ж-о-о-о-и... Бирдан вужудимга қон югуради, қўл-оёғим енгилгина ўз-ўзидан ўғлим томонга одимлайди.

— Онаси, тинчликми...

— Ҳа, тинчлик.

Уғлим қўлчаларини бўйнимга ташлайди.

— Вой, шириним-эй, кўрқдингми? Емон туш кўрдингми?... Ҳаҳ, ўша сени кўрқитганларни, шошмай турсин. Қани яна тушинга кирсин-чи, энди нима қилар эканман...

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.

МУСАҲҲИХ АДАШДИ...

Қондатузар қочди.

Қиммати баланд ўт учирувчилар.

Ичди хизмат майори.

«Маломатлик тилайман, ўртоқ капитан».

Байроғимизда «сўроқ ва олға» белгиси бор.

— Ҳорманг.

— Хор бўлинг».

Аҳмоқ тузатиш колонияси.

Миллионер спирт билан шуғулланмоқда.

«Иллатидан қатъий назар, ишга қабул қиламиз».

Байрам бақирчиқлари.

Тўпловчи

Эркин САТТОРОВ.

АФҒОН ЮРТИН ВАТАН БИЛГАН БОТИРЛАР

(АФҒОНДАН ҚАЙТМАГАН ЎЗБЕК Ўғлонлари хотирасига)

Ҳайратон кўприги қотмиш ҳайронлар, Гамгин она янглиғ чекиб фиғонлар, Ахир, қучоғидан ўтмади қайтиб...

Афғонга йўл олган не-не ўғлонлар, Утгани, ўқ теккан совутда ўтди, Кўплари зил-замбўл тобутда ўтди.

Юртининг тупроғини ўпанлар эса, Дўст ҳам қайтар, деган умидда ўтди. Қалбларни қон қилди машғум ўлимлар, Хазондек саргайди ойдек тулинлар.

Сизга бардош берсин, тўзим берсин-ей, Бевақт бева қолган шўрлик келинлар, Оналар, оҳ-фиғон эзган оналар, Сочлари бемаҳал тўзган оналар,

Айтинг, мен сизларни қандай овутай, «Афғон» деган сўздан безган оналар! Сизчи, эй, хонисор Умрзоқ ота, Ватан урушидан соғ қайтган одам.

«Бола-ам» деб тоғ каби қуладингиз-ку. Шаҳид ўғлингизга туюлмади мотам...

Оҳ, шаҳид ўғлонлар, эсиз ўғлонлар, Меҳру садоқатда тенгсиз ўғлонлар, Қабрингиз олдида мен бош эгурман, Кўзларимда қотган мунг сиз, ўғлонлар.

Сизга мозор бўлмиш қирлар, далалар, Қандаҳордек метин тошли даралар, Асрлар ўтса ҳам, битмагай энди, Замин кўксиндаги бу дард-яралар.

Сизни эслаб, қалбдан учган нолалар, Кўздан оққан қонли-қонли жолалар, Энди мангу ўтмагайдир тарихдан, То ҳаёт бор, тоқим бордир оналар.

Сиз қароқда, юракларда яшайсиз, Тонгдай тоза тилакларда яшайсиз, Оққушларга айланиб пок руҳингиз, Орзуларда, истакларда яшайсиз.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходими, милиция лейтенанти.

ХАНДАЛАР

ТИМСОҲ УЧАДИМИ?

Бошлиқнинг ҳайдовчиси бошлиқ ўрнибосаридан сўрабди:

— Билар Билмасович, бир нарса сўрасам майлими!

— Сўранг, укам, сўранг.

— Тимсоҳ учадими!

— Нима! Менга қаранг, дей, бунақа ахлоқона саволлар билан кимга мууроаат қилайсиз ўзи, а!

— К-кечирасиз, мен...

— Қайси нодон айтди сизга бу гапни!

— Хў-жайи, — деди ҳайдовчи бўшашиб.

Бошлиқ ўрнибосарини «йўтал» тутди.

— Иҳм, иҳм. Биласизми, укам, бундай олиб қараганда гапнингизда жон бор. Ҳа, тўри, тимсоҳлар ҳам ҳар замонда учиб туради, фақат улар жуда паст учишади-да.

Неъматжон МАМАЖОНОВ, милиция майори.

ҲЕЧ ВАҚО

Участка инспектори бир иш бўйича қассобдан гап сўрамоқда:

— Шу каллагўшдан бошқа нарса ҳам сотасизми!

— Озгина оёғим бор эди, тугаб қолди. Ҳозир калламдан бошқа ҳеч вақойим йўқ ака.

Мавмуржон БОЛТАБОВ, Андижон шаҳри.

РАКЕТА

ПОРТЛАТИЛДИ

18 апрель куни АҚШнинг Канаверал бурнидаги космодромидан учирилган Америка ракетаси Ердан берилган буйруқ асосида портлатиб юборилди. Чунки ракета двигателининг иккинчи босқичидаги қурилмасида носозлик чиққанди. Япониянинг ракета космосга олиб чиқиши лозим бўлган 100 миллион долларлик йўлдоши ҳам парчаланиб кетди.

[«Известия»дан].



ГУЗАЛЛАР...

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратли лавҳаси.

ҚОРОВУЛ БОШЛИҚДАН ЎПКАЛАДИ

Креслода кўр тўкиб ўтирган Шербек Алламов аллақандай рўзномани кўзойнак устидан қараганча варақлар, ҳар замонда узун ҳомуза тортиб кўярди. Бирдан унинг пешонаси тиришди. Худди ихлос билан шудгор қилингандек. Кўзойнакни нақ бурнининг учига кўндирди, рўзномага ёпишди: «...корхона-сида ҳамон ташмачилар «фаоллик» кўрсатмоқдалар...».

«Уф-ф. Мана, ўртоқ директор, яна бир терлайдиган бўлдингиз». Алламов пешонасидаги «шудгорни» силаб кўйди. «Вей, жарақ-жарақ пул олаётган шунча қоровул ишласаям, ташмачилик битмасая! Қоровулларни бир тузламасам бўлмайди». Тамакиннинг хумори тутди, шеклли, сигарета қидириб қолди. Закигалка ҳам текинга олов бермади. Хўжайинининг қошини куйдирди. «Туф-у, лаянати». Алламов бармоғини тупуги билан хўллаб, қошини силай бошлади. Шу кўян дераза олдига келди. Келди-ю,

бошини ойнага тирагудек бўлиб, ташқарига қараб қолди. Омбор яқинида турган «Запорожец»га нималарнидир юклаётган кишига кўзи тушди. Асов отдек пишқириб, стол олдида яқинлашди-да, телефон дастасини юлқиб кўтарди, бармоқлари рақамлар устида ўйнади.

— Хў-ўй, эситаман, — соқовланган овоз чиқди «у ёқдан».

— Менга қаранг, Ҳалим ака, лоқал бошлиқ билан гаплашаётганда носни ташланг.

— И-и, кечирасиз, директор болам, сизлигингизни билмабман. Кулоғим...

— Бўлди, кўп эзмаланманг. Нима учун ташмачиларга дарвозани иккала табақасиниям очиб беряпсизлар.

— Йў-йў, директор болам, қорозсиз ҳеч нарса чиқармаяпмиз.

— Шунинг учун ҳам бизни газетада «мақташган» эканда, а! — кинояга ўтди директор. — Ана, кўзим олдида биттаси «аравасини» тўлдириб, сиз-

нинг «қабулингизга» кетди. Текшириб, натижасини менга етказинг.

Алламовнинг қўлидан телефон дастаси «учиб», ўз ўрнига тарақлаб «қўнди».

Бу ёқда эса Ҳалим носкаш бошлиқнинг дағдағасидан ўзига келиб, ҳақиқий қоровуллик «тўни»ни кийди. Дарвоза олдида ташмачини кута бошлади. Кўп ўтмай сарғиш рангли «Запорожец» кўринди. Ҳайдовчи (унн Қобил найнов дейишади) қоровулнинг жиддий равишда, «четга чиқиб тўхта» деган ишорасини кўриб, нималарнидир «гўлдирди», чўчиброқ машинадан тушди. Кўришиш учун узатилган қўлларни ҳавода муаллақ қолди. Ҳалим носкаш унга зътибор ҳам бермай: «юкхонангини оч», — деди. Қўлга тушганини сезиб, юрак ҳовучлаган Қобил найнов қоровулни машинанинг орқасига ўтганини кўриб, бир оз ўзига келди. Қоровул кўрсаткич бармоғини теккизиб турган капотни очар экан:

— Тинчликми, Ҳалим ака, ҳеч бунчалик текширмасдиларинг, нима бўлди! — дея ўсмоқчилаб сўради.

Қоровул «миқ» этмади. Капот очилгач, ичидидаги моторни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Ававалги шайшти ҳам қолмади.

— Мошинанг янгига ўхшайди-ю, нега запас мотор олиб юрибсан? — деб сўраган бўлди.

— Э, Ҳалим ака, биров илтимос қилувди, ишга келишда ташлаб ўтиш эсдан чиқибди. Мана энди ташлаб ўтман-да, — деди қувлик кўчасига кириб олган Найнов.

«Ови» бароридан келмаган Носкаш зарда билан бориб, дарвозани ланг очди. Машина чанг чиқармай чиқиб кетди. Қоровул хонасига кириб, совуб қолган чойини хўплади-да, ўзича мингирлади: «Бошлиқларга ҳам ҳайронсан киши. Одамни овоза қилиб ёлғон гапиришадия, тавба». Кейин телефон дастасини қўлига олди...

Ғуломжон ЗАРИФБОВ, ички хизмат катта лейтенанти.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатки кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан боғланган, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир, муҳаррир ўрнибосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УССР

Ўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Буюртма № 5235.

Индекс: 64615.